

РЕЖИССУРА ПЕДАГОГИКАСИ
(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР
МУРАББИИ ПРОФЕССОР ҲАМИДА МАҲМУДОВА ПЕДАГОГИК
ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА УСЛУБИЯТИ)

Фарухжон Тўраев

Аннотация: *Мазкур мақолада педагог ва режиссёр, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Ҳамида Маҳмудованинг педогогик ижодий фаолияти. Актёрлик ва режиссёрлик курсларида таълим бериш услубиятини унга холиги. Жаҳон ва Ўзбек театр санъати педагогикаси, актёрлик мактаблари анъаналарининг давомийлиги. Актёрлик ва режиссура тенденциялари, сахна асарининг яхлитлиги ва бадиийлиги, Ҳамида Маҳмудова изланишларининг ижодий самарадорлиги асосий эътиборга олинган. Шунингдек, Ўзбек театрларида сахналаштирилган санъат асарларининг замонавий ва миллий уйғунлашуви ҳақида сўз боради.*

Аннотация: *Эта статья о педагогической и творческой деятельности Хамиды Махмудовой, педагога и режиссера, заслуженного тренера молодежи Республики Узбекистан. Особенность методики преподавания актерских и режиссерских курсов. Продолжение традиций европейской и узбекской театральной педагогики актерских школ. Актерские и режиссерские тенденции, целостность и артистизм спектакля, творческая эффективность исследований Хамиды Махмудовой - все это в центре внимания. Также говорят о современном и национальном сочетании произведений искусства, поставленных в узбекских театрах.*

Abstract: *This article is about the pedagogical and creative activity of Hamida Mahmudova, a teacher and director, Honored Youth Coach of the Republic of Uzbekistan. The peculiarity of the methodology of teaching acting and directing courses. Continuation of the traditions of European and Uzbek theatrical pedagogy acting schools. The main focus is on the trends of acting and directing, the integrity and artistry of the play, the creative effectiveness of Hamida Mahmudova's research. There is also talk of a modern and national combination of works of art staged in Uzbek theaters.*

Калит сўзлар: *театр, кино, ссенаграфия, маданият, К.С.Станиславский, образ, қаҳрамон, ҳарактер, муҳит, песса, ҳарактерлилик, сахнавий макон, ҳатти-ҳаракат, услуб, мактаб, академик, анъана, мумтоз, сахна, система, актёр, режиссёр, сценарий, драматург, шарт-шароит, бутафор, педагог, рассом, либос, ижод, товуш, чироқ, декоратсия, санъат, профессионал, тасаввур, спектакл, тимсол, замонавий, ашула, мусиқа, рақс, синкрет, жест, пантомима, пластика, грим, тенденция, радио, партитура, тарих,*

Ҳамида Маҳмудова А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институти драма ва кино актёрлиги бўлимида (1965-1969) таҳсил олиб юрган

чоғлариданоқ қаҳрамонона ва романтик хусусиятдаги ролларга бўлган алоҳида салоҳияти билан ажралиб турар еди. Ҳамида Маҳмудова олийгоҳни тамомлагандан сўнг 1969-1973- йиллар Ўзбекистон радиода, Ўш шаҳар маданият бошқармасида, 1974-1979-йилга қадар Ўш вилоят театрида ва Самарқанд шаҳридаги Ҳамид Олимжон номидаги драма театрларида актриса бўлиб фаолият олиб борган. В. Шекспирнинг “Отелло” трагедиясида Дездемона, Максим Каримовнинг “Инсонликка номзод” драмасида Фароғат, Ўш вилоят театрида Иззат Султоннинг “Кўрмайин босдим тиканни” драмасида Гулчеҳра, Қорақалпоқ халқ афсонаси “Қалдирғоч”да Қалдирғоч; (Самарқанд театри) каби образларни яратди. Ҳ. Маҳмудова ижро услубидаги ўзига хослик кўпроқ Жаҳон мумтоз асарлари билан ажралиб туради. А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институти устозлари Ўзбекистон халқ артисти профессор Назира Алиева, Лола Хўжаева, И. В. Радун, Тошхўжа Хўжайев А. О. Гинзбург, Ш. М. Мағзумова, Н. И. Тимафева, А. С. Сайфиддинов, Т. И. Исраилов, М. С. Григорий, О. А. Чернова, каби кўплаб театр мактаби педагогларининг анъаналари ва мактабларининг ижро услубларини бугунги кунга қадар асл ҳолича сақлаб ёш актёр ва режиссёрларни тарбиялашда қўллаб келмоқда. 1979-йилдан бошлаб Ўзбекистон давлат санъат институтининг драма ва кино санъати кафедрасида (Ўз Д.С.М.И Мусиқали драматик театр ва кино актёрлиги кафедраси) доцент, профессор лавозимларида ишлаб актёрлик санъати, драма режиссёрлиги бўлимларида 40 йил давомида маҳорат сирларини талабаларга ўргатиб келмоқда. Ҳ. Маҳмудова Й. Охунбобойев номидаги Ёш томошабинлар театри, Рус Академик драма театрида сахна нутқи ва актёрлик маҳорати бўйича дарс машғулотларини олиб боради. Ўзбекистон давлат драма театрида режиссёр сифатида ҳам фаолият олиб борди. Ҳ. Маҳмудова “Режиссура”, “Актёрлик маҳорати”, “Саҳнавий асарнинг хатти-ҳаракат таҳлили” ўқув услубий қўлланмаларини яратди. Режиссёр сифатида А. Гален “Тонг юлдузлари”, Д. Стейнбек “Одамлар ва сичқонлар” (рус академик драма театрида), Й. Охунбобойев номидаги Ёш томошабинлар театри Т. Мурод “От йиғлаган томонда”, Л. Устинов “Ўрмон қўшиғи”, Ҳ. Низометдинов “Янги йил саргузаштлари”, В. Тендряков “Битирув кечаси”, А. Авлоний “Адвокатлик осонми”, Г. Гулом “Шум бола”, Е. Хушвақтов “Қаллиқ ўйини” (Ўзбек миллий академик драма театрида), Л. Устинов “Севгисиз шаҳар” (Фарғона рус драма театри), Ж. Маҳмудов “Садоқат” (Ўзбек давлат драма театри) асарларини ўзига хос тарзда сахналаштирган. Бу асарлар Ўзбек театр тарихида режиссёрлик талқини, актёрлик ижроси билан ажралиб туради ва бўлажак режиссёр ва актёр мутахассисларига мактаб вазифасини ўтаб келмоқда. Ҳ. Маҳмудова “Актёрлик санъати” ва “Режиссёрлик” бўлими талабаларидан биринчи ўринда касбга садоқат, саҳнавий эркинлик, саҳнавий диққатни шакллантиришга эътибор қаратади. Драма санъати талабаларидан келиб чиқиб педагог актёрлик ва режиссёрлик санъатининг энг асосий элементларидан ҳисобланган, диққатнинг тўлиқ ўзлаштирилишига эришишда учрайдиган маълум муаммолар билан курашишга ҳаракат қилади. Агар талаба сахнада ўз диққатини объектга қарата олса бу албатта ютуқ лекин сахнада талабанинг диққат объекти бўлиши шарт. Бу вазифани ўқув дастурида

киска муддат ичида бажариладиган машқлар орқали адо этиб бўлмайди. Бу машқлар биринчи босқичдан тўртинчи босқичгача олиб борилади. Бундан мақсад сахнавий тарбия учун зарур асосларни яратишдир. Профессор Ҳ. Маҳмудова ўз талабаридан актёр ўз ҳулқ-атворини сахна талабларига, пластика ва ритмик мусикага бўйсундириб олишлиги, режиссёр педагог томонидан қўйилган мезат сахнани эслаб қолиши, ўзига берилган ижодий вазифани бажариши, партнёрни ҳис қилиши, уни ўраб турган муҳитни сезиши, томоша залини ҳисобга олиши, ўзининг ҳар бир ҳаракати ва овозини ҳар бир товушини ишлата билиши керак. Бунда актёр энг юқори таъсирчанликка эриша олсин. Диққатни жамлай олиш хусусияти бўлмаса бу талабларни бажариш мумкин эмас. Ҳ. Маҳмудова шогиртларига актёр, режиссёр бу яратувчи, ижодкор. У яратаётган образ ўз ҳаёти билан яшайди. Тимсол ҳар лаҳзада ўзининг диққат объектини ўзгартириши мумкин. Актёр инсон ва яратувчи бўлгани учун образ кизиқишидан фаркланадиган, ўз кизиқиши билан яшайди. Актёр фақат ўз қаҳрамонининг ҳисларини бошдан кечира олгандагина шу лаҳзада, шу муҳитда уни нима кизиқтиришини билгандагина унинг диққат объектини топа олиши мумкин. Педагог Ҳ. Маҳмудова ўз талабаларига диққат ҳақида тушунча берар экан. Улардан қуйидагиларга амал қилишини талаб қилади. а) сахнанинг ўзидан четга чиқмаган ҳолда, ҳар бир диққатда аниқ объектга ўз диққатини қарата олиш; б) фақат ўзидаги ташқи диққатни бошқара олиш эмас (кўриш, эшитиш, сезиш, ҳид билиш, там билиш), балки ички (ўзининг фикрини аниқ олдиндан белгилаган объектга қарата олиш), ҳиссиётини ҳам йўлга сола олиши; в) диққат объектини образ ички ҳаётидан келиб чиқиб танлай олиши; д) образнинг ички ҳаёти мантиқига мос келадиган керакли диққат объектини топа олиши; е) узлуксиз ҳолда ўз диққатини бир объектдан иккинчи объектга кўчира олиши (актёрнинг диққати у сахнага чиқиб то кириб кетгунча узилмаслиги керак); ф) сахнавий диққат расмий эмас ижодий бўлиши керак. Бунинг учун тасаввур ёрдамида исталган объектни нафақат қизиқарли балки зарур объектга айлантириш; г) тасаввур ёрдамида образнинг диққат объектларини ўзининг диққат объектларига айлантира олиш; ҳ) спектакл шартларига кўра ҳар бир объектни, у қандай бўлса шундай қабул қилиш; и) диққатни тасавур билан бойитиш керак. Диққати бир жойда муқом турмайди. Объект тез-тез ўзгариб туради. Объект мозаикага ўхшаб кўча олиш хусусиятига эга бўлиши мумкин. Актёр иложи борица табиий органикасини ишлата олиши керак.

Педагог Ҳ. Маҳмудова актёрлар ва режиссёрларни тарбиялар экан К. С. Станиславский, Й. Б. Вахтангов, В. Е. Мейрхольд, Г. А. Тавстаногов, Н. Данчинко, М. Чехов актёрлик мактабларининг ўзига хослиги ва бир- бирини такрорламаслигини таъкидлайди. Ҳар бир актёр сахнада образ яратар экан, у жанрдан (яшаш тарзи) муаллиф берган шарт-шароитдан ва даврдан келиб чиқиб ёндашишни талаб этади. Режиссёрлик курси талабалари актёрлик, санъатшунослик, мусикашунослик, тарих, этнография, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, кино санъати, анъанавий театр мактабларини пухта ўзлаштиришни талаб этади. Ҳ. Маҳмудова драма актёрларидан асосан сахнада жонли ва ҳаётӣ яшашни талаб этади. 2000-йил В. Тендриков

“Битирув кечаси” драмаси, 2004-йил Х. Х. Ниёзийнинг “Бой ила хизматчи” драмаси, 2012-йил Ж. Маҳмудов “Садоқат” драмаси, 2018-йил В. Шекспир “Гамлет” трагедияси, 2019-йил А. Дударев “Хароба” драмаси диплом спектаклларида К. С. Станиславский ва М. Чехов актёрлик мактабларининг яққол кўринганининг гувоҳи бўламиз. 2004-йил Н. В. Гогол “Ревизор” сатирик-комедияси, 2016-йил И. Содиқов “Афандининг беш хотини” комедияларида Й. Б. Вахтангов актёрлик мактаби намоён бўлади. Театр санъати синтетик санъат бўлиб, тасвирий санъатга ҳам бевосита алоқадор ҳамдир. Фақат тасвирий санъатда ифода этилган кўриниш бир дақиқани илғаб акс эттирса, театр санъатида ҳаракатлар ўз шакл ва мазмунини узлуксиз ўзгартириб туради. Актёр танасининг барча аъзоларини ифодавийлигини ва таъсирчанлигини ошириш учун М. Чеховнинг актёрлик мактабида қўлланилган машқларининг талабларини онгли равишда рақс, саҳна ҳаракати, ритмика, пластика, машқларини ўз машғулотларида актёрлик ва режиссёрлик бўлими талабаларида қўллаш зарур деб билади. Х. Маҳмудова ўз педагогик фаолиятида Лев Додин Абрамович, Ольга Ивановна Пижова, Мария Осиповна Кнебел ва бошқа кўплаб педагоглар услубиятидан ва мактабларидан таълим олган педагог ҳисобланади. Профессор Х. Маҳмудованинг драматик театр режиссёрлиги бўлими талабалари билан дарс жараёнларини кузатар эканмиз: режиссёр талаба ўз даврининг сиёсий ва маданий жараёнларидан боҳабар бўлмоғи, санъатнинг ҳамма турлари билан таниш адабиёт ва тарих, фалсафа, психология, мусиқа фанларини мукамал эгаллаган бўлиши керак. Режиссёрлик бўлими талабалари биринчи ўқув йилидан ўзлари саҳналаштираётган парчаларда бир-бирларини такрорламаслик, ҳар бир талаба режиссёр ўз саҳнавий шакли ва талқинига эга бўлиши керак. Талабалар Жаҳон драматургияси, режисураси ва актёрлик мактабларидан тўла боҳабар бўлишлари шарт. Битта асарда ҳар бир режиссёр талабанинг ўз фикри ва мақсади ғояси бўлиши керак. Режиссёрлик курси талабалари 3 йил ўқув жараёнида актёрлик, режиссёрлик маҳоратини эгаллагандан сўнг 4-курсда диплом спектакл саҳналаштиришда профессионал театрларга йўллама олишади. Курс бадий раҳбари Х. Маҳмудованинг спектакл саҳналаштираётган талаба режиссёрларга қўядиган ўз талаблари ва шартлари бор. Ҳар бир спектакл тирик мавжудотдир. У ҳам инсонга ўхшайди. Инсоннинг руҳияти, қалби, танаси бўлгани каби спектаклнинг ҳам руҳи, қалби, танаси бўлади. Спектаклнинг руҳияти- унинг ғоясидир. Шу ғоя учун муаллиф, режиссёр, актёр биргаликда спектакл яратадилар. Спектаклнинг қалби- муҳитдир. Ана шу муҳитда спектакл воқеалари бўлиб ўтади. Спектаклнинг танаси- биз кўрадиган ва эшитадиган сўз ҳаракатидир. Спектаклдаги муҳит ва қалб деганда нимани англамоқ керак? Инсоннинг кайфиятини, ўз атрофидаги номаълум бўлган садоси пайдо қилади. агар актёр ўз ролини яхши кайфият билан ижро этса томошабинга ҳам буни таъсири бўлади. Кайфиятни спектакл муҳити дейиш мумкин. Педагог Х. Маҳмудова режиссёр талабалардан спектакл муҳити ва ҳар бир парданинг ва воқеаларнинг ўз муҳити бўлиши: Режиссёр, актёрларни шу муҳитда яшашга ўргатиши ва ишонтириши керак. Кўпинча актёр режиссёр саҳнада жуда муҳим бўлган

таъсирчанликни топа олмайди. Унинг сабабчиси шундоқкина юзада турганлигини сезмайди. Таъсир кучи бўлмай турган сўз тўғри муҳит топилиши билан бошқача жаранглаганини кўрамиз. Муҳит ҳар қандай песса моҳияти ва мазмунини ўзгартириб юбориши мумкин. У чуқур драматик мазмун кашф этиши мумкин экан. Саҳнадан туриб томоша залига таъсир ўтказадиган муҳит актёрлар билан томошабинни, томошабин билан актёрни бир-бирига боғлаши керак. Ҳ. Маҳмудова 3-курс драматик театр режиссёрлиги курсининг диплом спектакли учун А. Дударевнинг “Ҳароба” драмасини танлади. Педагогнинг ишлаш услубиятини кузатар эканмиз. Аввало, талабалар орасида асардаги қаҳрамонларга мос талаба бўлиши, роллар тўғри тақсимланиши керак. Талабалар ва педагог асарнинг ҳатти-ҳаракат таҳлили билан иш бошлашади. Асарнинг ғояси ва бугунги кунда долзарблиги бу асар орқали режиссёр томошабинга нима демоқчи эканлиги устида иш олиб боришади. Спектакл саҳналаштириш жараёни режиссёр талабалар учун катта маҳорат мактабини ўтади. Талабалар асар таҳлил қилиш, мусиқа танлаш, рассом билан ишлаш, ссенография, либослар, чироқлар ва режиссёрнинг актёр билан ишлаши жараёнларини ўзлаштиришди. Профессор Ҳамида Маҳмудова педагоглик фаолиятини кузатар эканмиз. К. С. Станиславский мактабини ва услубиятини гувоҳи бўламиз: Ҳ. Маҳмудова К.С. Станиславский системаси бўйича узлукли ҳаракат, парчалар, мақсад каби иборалар бор. Песса устида изланишлар олиб борилаётган вақтда ўша иборалардан келиб чиқиб бўлажак спектаклнинг, ҳар бир ролнинг, партетураси тайёрланади. Шу партетура бўйича қўшимча спектакл давомида бир –бирлари билан алмашиб турадиган муҳит партетурасини ҳам яратиш керак бўлади. Бу муҳит партетураси шундай ишланиши керакки, бир сония ҳам саҳнада ўша муҳитсиз ҳаёт кечмасин. Бир-бири билан ўрин алмашиб турадиган муҳит тасодифий бўлмасин. Улар ҳам аниқ репититция қилиниб мантиқий мезон чегарасидан чиқиб кетмаслиги шарт. Муҳит яратиш дастлабки репититсия чоғлариданоқ бошланиши лозим. Песса билан дастлабки танишувда асар воқеалари қайси ва қандай муҳитда бўлиб ўтиши аниқ белгиланиши муҳимдир. Талаба режиссёрлар асар устида мустақил иш олиб борар эканлар, ҳар бир парча, мақсад, ҳаракат ва зиддий ҳаракатлар қандай муҳитда рўй беришини аниқ кўз олдингизга келтиринг. Бу парча қайси муҳитда бўлиб ўтади. Мунозара ва зиддият қайси муҳитда туғулади каби саволларга жавоб беришни режиссёр талабалардан талаб қилади. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи профессор Ҳамида Маҳмудова ижодий фаолиятига эътибор қаратар эканмиз, ўқитиш услубияти, актёрлик ва режиссёрлик мактаби профессионал ва асл ҳолича сақланиб келинаётганини яққол сезилади. Устознинг кўпгина шогиртлари актёр, режиссёр ва педагог сифатида устоз таълими ва анъаналарини давом эттириб келмоқдалар. Муқаддас Ҳолиқова (Ўзбекистон халқ артисти), Муслим Йўлдошев (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими), Набийев Асадулло, Ҳамрақулов Самандар, Галаҳо Олег, Кудашкин Валерий (Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист), Мелников Алексей (Россияда хизмат кўрсатган артист), Қодиров Рамзиддин (доцент), Юсупов Шокир (доцент), Ҳамида Маҳмудова илмий

раҳбарлигида Караева Феруза Қурбоновна (Жаҳон мумтоз асарларини ўқув жараёнларида талқин етилишининг хусусиятлари), Нурманова Барно Аҳмаджон қизи (Телевединия кўрсатувларининг функцияси ва уларни оптималлаштириш), Ҳайдаров Нугзар (Кинода актёрлик маҳоратининг ўзига хос хусусиятлари) мавзуларида магистрлик диссертацияларини ҳимоя қилишди.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. К.С.Станиславский. Актёрнинг ўз устида ишлаши. Т. Хўжаев таржимаси. Тошкент. 1965 й.
2. Ж. Маҳмудов, Ҳамида Маҳмудова. “Режиссура асослари” Ў. М. Е давлат илмий нашриёти 2008й.
3. Ҳамиджон Икромов “Давр ва театр” Ў. М. Е давлат илмий нашриёти 2009й.
4. Ж. Маҳмудов “20-аср режиссураси намоёндалари” Алишер Навоий номидаги Ў.М.К 2015й.
5. Н. Гарчаков “Режиссерский уроки Станиславского” Москва -1951 й.
6. Немерович-Данченко В.И. “О творчестве актёра”. М., “Искусство” 1984 й
7. Тошпўлат Турсунов. XX аср Ўзбек театр тарихи. Тошкент. 2010 й.
8. Т. Азизов. Менинг режиссёрлик ишларим. – Т.: Санъат институти босмахонаси, 2003 й.
9. Т. Исмоилов. Тарих ва сахна. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998 й.
10. Марк Захаров. Театр без вранья. Москва. 2007 й.
11. Встречи с Меерхольдом. Москва. 1967 й.
12. В. Э. Мерхольд. Москва. 1968 й.
13. Н. Зоҳидова. Тошхўжа Хўжаев. Тошкент. 1980 й.
14. И. Муҳтаров. Театр и классика.- Т.: Ғ. Ғулом, 1988 й.
15. И. Муҳтаров. Театр и его актёры. – Т.: Фан. 1989 й.